

ҲАМИДЖОН
ҲОМИДИЙ

ТАСАВВУФ

Қаранийдан
Ғушлийгача

ҲАМИДЖОН
ҲОМИДИЙ

ТАСАВВУФ

Қаранийдан
Рушдийгача



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

УЎК: 001(09)
КБК: 72.3(5Ў)

X - 63

Ҳомидий, Ҳомиджон

Тасавуф: Қаранийдан Рушдийгача /Ҳ.Ҳомидий. Сўзбоши муаллифи: ф.ф.д., профессор Н.Қомилов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021 йил. – 400 б.

ISBN 978-9943-20-872-8

Қўлингиздаги мазкур китобда кўна Шарҳ заминидан етишиб чиққан тасавуф алломалари, авлиёлари ҳаёти ва фаолияти хусусида муҳтасар маълумотлар ҳамда ҳикматларидан намуналар келтирилган.

Маълум даврларда динимиз душманлари томонидан тасавуфнинг обрўсизлигига уришишлар бўлди, ammo алоҳида эътироф этиш керакки, Ислому уммати бошдан кечирган энг мусибабни даврларда ҳам асрлар давомида тупланган маънавий ва илмий ҳазиналаримизни сақлаб қолишда айнан буюк тасавуф шайхлари, тарикат пирларининг хизмати беқиёс бўлган.

УЎК: 001(09)
КБК: 72.3(5Ў)

Маъсул муҳаррир:

Замиржон ИСҲОҚОВА,

фалсафа фанлари номзоди, доцент

Сўзбоши муаллифи:

Навоиддин КОМИЛОВ,

филолог фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-20-872-8

© Ҳомиджон Ҳомидий, «Тасавуф: Қаранийдан Рушдийгача». «Янги аср авлоди», 2021 йил.

МАШОЙИХЛАР ТАЗКИРАСИ

Тасавуф асрлар давомида халқимиз маънавиятини боийитишга хизмат қилиб келган. Инсоннинг руҳий-ахлоқий покланиши, илоҳий муҳаббат билан юксалиб бориши бутавелимотнинг асосий ғояларидир. Шу боис тасавуф чуқур инсонпарварлик ғоялари билан омихта бўлиб, ҳақиқат талабиди юрган кишилар қалбига йўл топди, одамларнинг поклик, абадий ҳаёт, кўнгил хуррияти ҳақидаги орзуларини ифодалаб келди. Халқимиз сўфий дарвешларга хурмат-эҳтиром орқали Аллоҳга, Унинг инсонни улуғлаган кудрати ва файзу футухига эътиқодларини изҳор этганлар. Шайхларнинг кароматлари, сўзлари ва сийрату сурати юксак ахлоқ ҳамда илоҳий муқаддаслик намунаси сифатида қабул қилинган. Тасавуф шайхлари халқнинг маънавий раҳбарлари, руҳоний мураббийси сифатида майдонга чиқиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) фаолиятларини тарғиб қилишга киришганлар. Шу боис тасавуфнинг тарихий тараққиёти, назарий жиҳатларини ўрганиш баробарида, шайхлар, авлиёлар фаолиятини ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади. Воқеан, назарий қарашларнинг ўзи ҳам шайхларнинг сўзлари ва ҳолатлари, асарлари, насихатлари, улар ҳақидаги хотиралар, ривоят ва ҳикоятларни ўрганиш замирида умумлаштирилган.

Улуғ сўфий ва шоир Фаридудин Аттор ўзининг «Тазкират ул-авлиё» асари муқаддимасида қайд этганич, авлиёларнинг сўзи киши қалбнинг малҳами ва руҳининг қувватидир. Қимки авлиё сўзини дилига жо этса, у Қуръон ва Ҳадислар маъзига эшик очади, ўзининг ҳолати, ахлоқини, қилаётган ишларининг яхши-ёмонлигини ўйлайдиган бўлиб қолади,

